



Шоираи замонамиз Анна Андреевна Ахматова тарихий фожиаларни акс эттирган шеърларидан бирида: «Эрим гўрда, ўғлим турмада — менга дуо беринг», деб илтижо килган эди. Чунки шоиранинг факат гўзал хис-туйгулари эмас, балки нозик вужуди ҳам зўравон замоннинг пошналари остида аёвсиз топталади: эри Николай Гумилёвни 1921 йилда большевиклар отиб ташлайди, ўгли эса...

Левушка (арслон боласи) 1912 йилнинг 1 октябрь куни тугилади. Онаси Анна эндигина 23 ёшга тўлган эди. Такдир хазилини карангки, Лев 23 ёшга тўлганда уни большевиклар авахтага ташлайди. 1935 йилнинг 22 октябрь куни Ленинград Давлат университетининг тарих факультетида тахсил кўраётган Лев Гумилёв «аксилшўравий террорчилар гурухининг аъзоси» сифатида хибсга олинади. Мислсиз азоб-укубатлардан сўнг Анна Ахматова Сталинга хат киритишга эришади ва «дохийнинг меҳр-шафкати» билан 1935 йилнинг 4 ноябрь куни Лев камокдан озод бўлади.

1938 йилнинг 10 март куни эса Лев Гумилёв гўёки «ЛДУдаги ёшларнинг аксилшўравий ташкилотига аъзо бўлгани учун» иккинчи марта камалади. Ленинград харбий округи трибуналининг карорига мувофик Лев Николаевич ўн йил муддатга озодликдан махрум этилади. Аммо, «адолатпарварлик»ни кўрингки, 1938 йилнинг 17 ноябрь куни СССР Олий судининг харбий хайъати ўша хукмни бекор қилиб, жиноий ишни қайта терговга жўнатади. 1939 йилнинг февраль-май ойларида бўлган қайта тергов жараёнида Лев Гумилёв айбдор эканини мутлақо бўйнига олмайди, терговчилар эса унинг айбини исботлай олмайди, гўё «инкилобий вазият» вужудга келади. Шундай бўлса-да, НКВД хузуридаги махсус кенгаш карорига биноан Лев Гумилёв беш йил муддатга озодликдан бенасиб қилинади.

Лев Гумилёв сургундан тўппа-тўғри Иккинчи жахон урушининг қайнок жабхасига жўнаб

кетади. Урушда ўзини кўрсатади, бир неча марта такдирланади.

Лекин... лекин Николай Гумилёвнинг ўгли бўлиш, Анна Ахматованинг ўгли бўлиш
нихоятда огир эди...

1949 йилнинг 6 ноябрь куни (атайлаб байрамдан бир кун аввал!) терговчи майин-майин
кекирибгина Анна Ахматованинг хонадонига ташриф буюради ва: «Мадам, уйингизни
тинтув киламиз. Сўнгра ўглингизни камокка олиб кетамиз», дейдию чарм папкасидан
ордерни чиқариб кўрсатади. Тинтув бошланади. «Гражданка Ахматова»нинг шахсий
буюмлари, латта-путталари обдан титкилаб кўрилади. Хўрланган, хакоратланган Анна
Ахматованинг асаб торлари чирс-чирс узилади. Анави гўрсўхталар тилаб-тилаб олган
ёлгизгина ўглини олдиларига солиб хайдаб кетишгач, шоира жамики кўлёмаларини,
хали эълон килинмаган шеърларини, дostonларини битта колдирмасдан ёкиб юборади.
Рус адабиёти тарихида факат Николай Гоголь «Ўлик жонлар» романининг кўлёмасини
ёкиб юборган. Ахматова «ёнгин»и тарихда иккинчи ходиса (накл килишларича, камокка
олинишидан салгина олдин Абдулхамид Чўлпон ҳам кўлёмаларини ёкиб юборган экан).
Адибларнинг кўлёмалардан бошка яна кандай бойлиги борки, курбон килишса!

Лев Гумилёв бу гал ўн йил муддатга озодликдан махрум этилади.

«Дохий»нинг 70 йиллик юбилейи яқинлаша бошлайди. Тўкилибгина, абгоргина бўлиб
колган Анна Ахматовага «баъзи бир ўртоқлар дўстона» маслахат беради: «Илтимос,
мадхия ёзинг! Ахир, ўтмишда ҳам шоирлар подшолар номига касидалар ёзган!» дейишиб,
йўл-йўрик кўрсатади... Ахматова умрида илк бора ижодий принциpidан чекиниб,
Сталинни мадх этиб иккита шеър ёзади (ўша шеърлари зудлик билан «Огонёк»
журналида эълон килинган туркумига илакишиб дунё юзини кўради). Ўн-ўн беш йил
мобайнида битта ҳам шеъри шўро матбуотида эълон килинмаган Ахматованинг
туркумлари «Огонёк» журналида кетма-кет потирлаб чикиб кетганининг боиси, албатта,
«ижтимоий заказ» жуда юкоридан тушганини англатади.

Бирок, Сталин барибир Лев Гумилёвни озодликка чиқармайди.

Анна Ахматова камокда ётган ўглига посилкалар жўнатиб, хатлар ёзиб туради.

Ажабланарли жойи шундаки, она-бола ўртасида ижодий алоқа ўрнатилади. Бунга
кейинчалик сакланиб колган биргина мактубни далил сифатида келтиришимиз мумкин.
Хусусан, 1954 йилнинг 20 сентябрь куни Анна Ахматова фи-докор ўглига бундай деб
ёзган экан: «Хозир мутолаа килаётганим Хитой шеърият анталогиясида яна-тагин
хунларга дуч келиб колдим. Бу ходиса энди эрамиз-нинг I асрида рўй беряпти. Иккита
хитой генерали хунлар томонидан асирга олинади ва 19 йил тут-кунликда сакланади.
Биттаси Ватанига кайтиб кетади, бошкаси эса ўтмишини эслаб кўшик айтиб ўтиради. Ўша
кўшик инглиз тилига таржима килинган, кофияси йўк. Билмадим, сенга илгари ҳам
ёзганмидим-йўкми, Пекинда 1954 йили инглизча нашр килинган Цуй Юаннинг китобини
ўкиб чикдим. Таржимони хитойлик экан. Мана, менинг насрийрок таржимам:

Подшоҳимга хизмат килиб,

Сахрони чангитиб юриб,

Хунларнинг додини бериб —

Мен ўн минг ли йўл босдим.

Ва хоказо. Анталогиядан ва таржима кораламасидан кўчирмалар олиб юбораётган
хатларим сенга етиб боряптими? Эхтимол, улардан сенга умуман фойда йўқдир?» (Анна
Ахматова, Сочинения в двух томах, том 1, Москва, из-во «Правда», 1990 йил, 229-бет.)

Бошка бир хатида эса: «Ўзингни асрагин, аччик чойдан ичмагин», деб илтимос килади
она. Хойнахой, «аччик чой» деганда аристонлар орасида тансик хисобланадиган

«чифир» назарда тутилаётир. «Чифир» хам, «аччик чой» хам охир-окибат юракни ишдан чикаради (хатто отдек бакув-ват О. Балзак хам «аччик кахва»дан ўлади).

Кискаси, Лев Гумилёв камокда ётган вақтида хам умр китоби — «Кадимий турклар» учун кимматли маълумотлар тўплайди. Онаси ўглининг кутлуг ишида хамиша мададкор бўлади.

... «Кадимий турклар» китобида Биринчи (Шаркий ва Гарбий) хамда Иккинчи турклар салтанатининг пайдо бўлиш зарурияти, тараккиёти, инкироз сабаблари халол тадқиқ этилади. Муаллифнинг гувоҳлик беришича: «Бу китоб 1935 йилнинг 5 декабрь куни бошланган эди. Ўшандан бери бир неча марта қайта ишланди, тўлдирилди. Бирок, кадимий турклар тарихига алоқадор жамики бой манбалар тўла-тўқис камраб олинмади; барча муаммолар ёритилди деб бўлмайди. Шу боис бу йўлдаги изланишлар давом эттирилиши шарт» (Л. Гумилёв, «Кадимий турклар», 3-бет. Бундан кейин ушбу китобдан олинган далил-дастаклар «К.т.», фалон бет деб кўрсатилади).

Китоб дебочасида муаллиф «Бу китобни бизнинг биродарларимизга — Шўро Иттифоқидаги турк халқларига бағишпайман» деб қайд этади. Бағишлов хам, китоб қачон езила бошлангани тўғрисидаги таъкид хам чуқур чоғиштира маънога эга. Тағматн — «нимкоса» теран англона, муаллифнинг (дафъатан галати туюладиган) фикр-мулоҳазалари, позицияси тўғри талкин қилиниши мумкин.

«Кадимий турк халқларининг, улар барпо этган салтанатнинг тарихи дунё кечмиши силсиласида битта масалага бориб такалади: ўз номларини авлодларига мерос қилиб қолдирмаган турклар нима учун пайдо бўлдилару нима учун йўқ бўлиб кетдилар?» («К. т», 4-бет.) Албатта, масаланинг бу тарзда қўйилиши илмий тадқиқот камраб олган давр учун ҳеч қандай зарар етказмайди. Илмий тадқиқот доирасидан чиқилса, хайратланишимиз турган гап: хўш, кадимий турклар ўз номларини нима учун авл одлар и га (ўзбек-қозок-қирғиз-уйғур-қорақалпоқ-туркман...) мерос қилиб қолдирмаган экан? Ахир...

Дарров баҳс бошламасдан «нимкоса»га қараш керак: бу китоб Лев Николаевич биринчи марта большевиклар зиндонида ётиб чиққач, роп-па-роса бир ойдан сўнг ёзила бошланган. Шу сабабли Лев Гумилёв «эзоп тили»ни илмий муомалага қиритади: китобини «Шўро иттифоқидаги турк халқларига» бағишлайди-ю, аммо бир пайтлар буюқ салтанат барпо этган кадимий турклар бошқа эди, ҳозирчилари бошқа — булар энди салтанат барпо қилишмайди, уларга шўро салтанати хам бўлаверади, дейди гўё.

Бирок, китобда ёритилган 316 йиллик тарихий (юзлаб) мисоллардан маълум бўладики, кадимий турклар асло йўқолиб кетмайдилар. Тўғри, қудратли салтанатлар инкирозга юз тутади, лекин «туркют» (изохи кейинроқ берилади) бўлиб тарих саҳнасига чиқиб қелган аждодларимиз гох «турк», гох «кўк турк», гох «ўн ўк», гох «тўққиз ўғуз», гох «уйғур», гох «қорлуқ», гох «лақай», гох «қипчоқ», гох «қирғиз», гох «ўзбек» номи билан дунёни титратаверадилар. Кадимий турклар самандар мисоли ўт-олов ичида тугиладилар ва ўт-олов ичра яшайдилар.

«Кадимий турклар инсоният тарихида улуг мавқега эга бўлсалар-да, лекин ўзлари сон жихатдан унчалик кўп эмасди. Уларнинг салтанати Хитой ва Эрон билан чегарадош бўлиб, бир-бирларига ўзаро таъсир ўтказардилар. Бу мамлакатларнинг тарихи ҳамбарчас боғланиб кетган. Демак, воқеалар даврийлигини ҳаққоний тиклаш учун хорижий мамлакатлар тарихини диққат марказидан қочирмаслигимиз лозим.

VI аср охирларида Турк қогоноти гарбда Византия (Рум), жанубда Эрон ва хатто

Хиндистон, шаркда эса Хитой билан кўшни бўлган. Таджикотимиз учун мавзу килиб олинган даврда номлари зикр килинган мамлакатларнинг тарихий ришталари Турк когооноти тақдирига узвий боғланади.

Турк когоонотининг барпо этилиши инсоният тарихида туб бурилиш ясади. VI асрдан эътиборан хитойликлар Константинополь бозоридаги нарх-наволар билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар; румликлар эса Хитой императорининг хазинаси билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Турклар буюк салтанатлар ўртасида факат воситачи бўлиб қолмадилар, айтилиши вақтда улар Хитой, Хиндистон, Эрон, Рум маданиятлари билан бемалол беллаша оладиган миллий кадр-иятларини яратдилар. Қадимий туркларнинг кадр-иятлари бир тараф-у, лекин улар қурган жамият, ижтимоий устқурмалар, мансаб зина-поялари, ҳарб санъати, дипломатия, шунингдек, мамлакат манфаатида бўйсундирилган миллий мафкура таджикотчини кўпроқ хайратга солади» («К. т.», 415-бетлар).

Китобнинг биринчи қисми «арафа»дан (420-546 йиллар) боғланади. Арафа 126 йил давом этади. «Мамлакат даҳо фарзандларига жуда узок муддат хомиладор бўлади» (Белинский таъбири), дейдилар. Маълум бўлишича, дунё буюк салтанатга ҳам узок муддат хомиладор бўлар экан. Сирдан қаралса, «арафа» хийла чўзилиб кет-гандек туюлади. Лекин V асрда Оврупода миллатлар ҳамон «кўчманчилик» килиб юришганини эътиборга олсак борми, осийликлар улардан 100 йил илгарилаб кетгани равшан бўлади.

Арафа зое кетмайди. Жужон халқи арафада таркиб топади.

«Жужон халқи қандай пайдо бўлди деган масала аввал ҳам бир неча марта кўтарилган-у, аммо узил-кесил ечимини топгани йўқ. Бизнингча, масаланинг бу тарзда кўйилиши нотўғри. Аслида, «қандай - таркиб топди?» тарзида кўйилса, тўғри бўларди. Халқ бирдан пайдо бўлмайди, аста-секин шакл-шамойил қасб этади. Жужонлар халқ бўлиб битта элатдан ўсиб чиққан эмас, ўзига хос равишда таркиб топган. Алғов-далгов замонларда йўлдан озган, ёмонотлик бўлиб қолган одамлар кўпайиб кетади. IV асрнинг ўрталарида ҳам ўшандай қимсалар анчагина эди. Улар Тобос хони қарорго-ҳида ёки хунларнинг пойтахтида қун кўролмасдан чўлу биёбонларга бош олиб кетдилар. Хўжайинларининг зулмидан қада бўлган хизматқорлар, ҳарбий хизматдан бўйин товланган қочқорлар, талонга тушган қишлоқларнинг аҳолиси ҳам саҳрога чекиниб жон саклайдилар. Бундай қишлоқларнинг тили, дини, элати ҳар хил эди-ю, факат қисмати битта эди. Ҳаммаси қашшоқликка маҳкум бўлиб, мана шу қашшоқлик уларни бирлаштириб турарди.

Хунларнинг отлик аскарлари сафида хизмат қилган Юкйўл деган қимса IV асрнинг 50-йилларида негадир ўлим жазосига ҳукм қилинади. Аммо у пайт пойлаб туриб тоққа қочади ва атрофига ўзига ўхшаган қочқорлардан юзтасини тўплайди. Улар бир илож килиб кўчманчилар билан тил топишади. Сўнг баҳамжихат ҳаёт кечира бошлайдилар. Юкйўлнинг вориси Кўйлуқ Тобос хони билан алоқа ўрнатади. Унга ўлпон (от, сувсар, сувмушук мўйнаси қаоин) тўлаб туради. Бора-бора Кўйлуқ ўрдаси Жужон номини олади. Ўрда қонун-қонидаси уруш эҳтиёжларига, талончиликка мос эди: қаҳрамонлик кўрсатган аскарга қўлга қиритилган ўлжанинг қатта қисми ҳадя қилинади, кўрқок қимсалар эса ўласи килиб таёқ билан саваланарди. 200 йиллик ўтган давр мобайнида жужонлар ўрдасида ҳеч қандай сезиларли тараккиёт бўлмайди. Мавжуд қуч факат талон-тарожликка сарфланарди» («К.т.», 11-12-бетлар).

545 йилда жужонлар туркютларни босиб олади. Туркютлар эса ябғу-йапу (унвон — Н. Б.)

етакчилигида жужонларга карши кўзголон кўтарди. 552 йилда кўзголон айна авж олган кезларда ябгу-йапу халок бўлади. Кора Иссикхон ябгу-йапу тахтига чиқади ва 553 йилда жужонларни тормор қилади. Афсуски, ўзи ҳам курбон бўлади. Огасининг ўрнини эгал-лаган Мугонхон 553 йилдаёқ жужонларнинг колган-кутганини туркютлар ватанидан хайдаб солади... Шу тарзда туркютлар дунё тарихи сахнасига голибона кириб борадилар. Ўша йиллари Буюк турк когоонотига асос қўйилади.

Айтмоқчи, «Навоий асарлари учун қискача лугат»да айтилишича, «йапу — бино, иморатнинг пойдевори» деган маъноларни англатар экан. Демак, Буюк Турк когоонотига асос солган йўлбошчиларнинг унвони шарифлари «ябгу» эмас, «йапу» бўлган кўринади.

КУЛТЕГИН НИДОСИ:

Беклари оми, халки инсофсиз бўлгани учун, тобгач халки хийлакору таптортмас бўлгани учун, сурбет ва фирибгар оулгани учун, ога ва иниларни бир-бирига карши гиж-гижлагани учун, беклар билан халкни бир-бирига ёмонотлик қилгани учун эл тутиб ўтирган, давлат куриб ўтирган турк будун тарикдай сочилиб кетди...

«Қадимий турклар»нинг битта боби «Аждодлар» деб аталади.

«Тобос хонига қарам бўлган шимолий Хитойда «Ашинанинг беш юзта оиласи» ҳам истикомат қиларди. «Беш юз оила» илгари хунлар ва сиёнбилар хитойликлардан тортиб олган ўлкада яшардилар. Хунларнинг ҳокими Мугонхонга Ашина ҳам бўйсунарди. 439 йилда тобосийлар хунларни мағлуб этиб, уларнинг юртини Вэй (Хитой) империясига қўшиб юборади. Ашина эса беш юз оиласини қаватига олиб, жужонлар ҳузурига қочиб боради ва Олтой тоғларидан жужонлар учун темир қазиб бера бошлайди.

Ашина унча қатта бўлмаган ҳарбий бўлинманинг бошлиғи бўлса керак. Долғали III—IV асрлар миёнасида бундай тўдалар тез-тез пайдо бўларди-ю, лекин ном-нишонсиз йўқолиб кетарди. Уларни расмона давлат деб бўлмайди.

Хитойликлар Ашина қарамоғидаги одамларни «тукю» деб атайдилар. П. Пельо бу сўзнинг мағзини «турк-ют» деб қаккан. Яъни, «турклар» деган маъно чиқади. Лекин кўплик қўшимчаси — «ют» туркча эмас, балки мўғулчадир. Қадимий туркларнинг тилида барча сиёсий атамалар мўғулча кўплик қўшимчаси воситасида ясаларди.

«Турк» сўзининг лугавий маъноси «қучли, қидамли» демакдир. А. Қононовнинг талқинига қараганда, жамловчи от бориб-бориб бир нечта уругаймоқларни бирлаштирган элат номига айланиб кетган экан. Ўша элат вакиллари дастлаб қайси тилда сўзлашган бўлса-да, аммо тарих сахнасида пайдо бўлган кезларида VI аср мўғул тилини ҳам тушунардилар. Чунки у пайтлари мўғул тили қабилалараро алоқа воситаси ҳисобланарди. Ҳарбийлар, бозорчилар, элчилар ҳам эски мўғул тилида сўзлашардилар. 439 йилда Ашина Гоби сахросининг шимолий ҳудудига қўчиб ўтади.

Дарвоқе, «шина» дегани «бўри» маъносини англатади. Олд қўшимчаси «а» эса хитой тилида ҳурмат маъносини билдиради. Демак, «ашина» дегани «олижаноб бўри»дир. Араб муаррихларининг асарларида хитойча талқинга мослаштирилмаган ҳолда «Шанэ»

кўринишида ёзилади.

Ривоятларга кўра ер юзидаги жамики турк халклари ота ёки она бўридан таркалганини инобатга олсак, «олижаноб бўри» ибораси гайритабиий туюлмади.

1500 йил мобайнида «турк» атамаси асл маъносини, мохиятини бир неча марта ўзгартирди. V асрда Ашина теварагига тўпланган ўрда аскарлари «турк» номи билан аталган бўлсалар, VI—VII асрларда факат турк тилида сўзлашадиган аҳоли шу ном билан аталарди. Араблар эса Ўрта ва Марказий Осиёда яшайдиган жамики халкларни, кайси тилда сўзлашишидан катъи назар, «турк» деб атайверадилар. Хуллас, биз ишлатаётган атама хилма-хил маъноларга эга эканини ҳисобга олиб, масалага аниқлик киритиб қўймоқчимиз: ушбу китобда тарихи баён қилинаётган халк шартли равишда «туркют» деб аталади. Зотан, VI асрда жужонлар билан хитойликлар ҳам уларни «туркют» деб атаганлар.

VI асрнинг ўрталарида Ашина авлодлари бутунлай турклашиб кетадилар. Факат унвонларда мўгул тили унсурлари сакланиб қолади, холос.

Баён қилинган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ўзларини «туркют» ёки «турк» деб атайдиган халклар билан турк тилининг пайдо бўлиши ўртасида фарк бор.

Замонавий туркий тиллар жуда қадим замонларда пайдо бўлган, лекин «туркют» халки V асрнинг охириларида таркиб топган. Туркий тилли кавмлар ўша замонлардаёқ гарбий Олтой ҳудудларини тарк этиб, қадимий булгорлар, канглилар, хунлар яшайдиган элларга таркалиб кетади» («К.т.», 22-25-бетлар).

Автобусда Кўкондан Бағдод тумани сари йўл олсангиз, истикболингизга Катта Фаргона канали юмалаб чиққан жойдан ўнг тарафда туркум кишлоклар бошланади. Булар — Ирғоли, Болғоли, Кувғоли, Коракўл ва хоказо. Лекин ҳамма кишлокларнинг жамловчи битта оти бор — «Кангли» дейилади. Биз болалигимизда «Буларнинг нимаси конли экан?» деб ўйлардик, кўпчилик ҳозир ҳам шундай ўйлайди, чунки одамзот болалик-даги таассуротларини умрбод носковокдек кўтариб юраверади. Баъзи билагон кишилар: «Улар ёппасига даштда пиёз экади... ўток пайтида қўлларини чагир тошлар тилиб-ёриб ташлайди... шунинг учун ҳаммасининг қўли қонаб юради — конли; кангли дегани ўшандан бўлса керак», деб «жиддий» мулоҳаза билдирадилар. Бир ҳисобда бундай мулоҳазада ҳам жон борга ўхшайди. Дарҳақиқат, қадим замонларда канглилар дашту далаларда, чўлу биёбонларда от суриб, сурон кўтариб ўтган; ёвнинг хиди келиб қолса, ўзларини мастликка солиб сўлим гўшаларига бикиниб олмаган, балки урхон кўтариб салт юриши, керак бўлса, «салиб юриши» қилган — ўлган, ўлдирган, зинхор юртини ёвга ташлаб қочмаган. Аммо, нажот истаб қелганлар-га паноҳ берган, имдод сўраб қелганларга мадад берган — канглилар мана шундай яшаган. Чунки улар будун бўлган, халк бўлган... Дафъатан юкоридаги фикр-мулоҳазалар асоси пучдек туюлиши мумкин. Лекин биз уни асосли деб ҳисоблаймиз. Негаки, Кўкондан Бағдод сари гизиллаб келаётган автобусингиз Кангли кишлоклари туркумини ўнг тарафида (ортида) қолдирмасдан, сўл тарафда «Хитой» кишлоклари туркуми бошланади: бири «Катта Хитой», бошқаси «Кичик Хитой» дейилади... Шу хитойлик ўртоқларимизни «божин» десак гашлари келади. Билма-дик, «божин» сўзининг лугавий маъноси нима экан? Агар шарқшунос Пельо таклиф этган усулда магзини чакадиган бўлсак, «бож+ин» деган икки бўгинли сўз пайдо бўлади. Демак, «бож олинадиган жой, ин, уя» ҳозирги замон тили билан айтганда, «божхона» маъносини англатса керак. Бундай мулоҳаза нотўғри бўлиши мумкин. «Ин» қўшимчаси балки хитой ёки мўгул тилида бошқача маънони англатар. Афсуски, «Ўзбек тилининг изоҳли лугати да «божин» сўзини учратмадик. Хуллас, Кангли

кишлоклари нинг сўл тарафи да «хитойликлар» яшайди. Боя «Кадимий турклар»дан келтирганимиз кўчирмада айтилишича, «туркий тилли кавмлар ўша замонлардаёк (эрамизнинг VI асри назарда тутилаётир — Н. Б.) Гарбий Олтой худудларини тарк этиб, кадимий булгорлар, канглилар, хунлар яшайдиган элларга таркалиб кетади». Агар канглилар VI асрда Сирдарёнинг ўрта окимида ҳам муқим яшаганини эътиборга олсак, Гарбий Олтойдан (Хитой тарафдан) туркий тилли кавмлар кондошлари, жондошлари — канглилар панохидан нажот топганини тасаввур қилиш унчалик қийин бўлмайди. Зеро, канглилар нажот истаб келганларга панох берган, имдод сўраб келганларга мадад берган... Кўшни кишлокнинг номи масаласига келсак, Хитой чегараларидан келган кишилар, аслида, турклар ёки туркют бўлсаларда, аммо маҳаллий аҳоли уларни бошқа туркий кавмлар билан адаштириб-чапкаштириб юбормаслик ниятида «хитой» деб атайди — шуниси қулай, шуниси ишончли туюлади, шекилли (орадан 1500 йил ўтиб, Нева соҳилидан чиққан арслонкалб донишманд ҳам кадимий туркларни бошқалар билан чалкаштириб юбормасликни кўзлаб, шартли равишда «туркют» атамасини илмий истифодага киритади, яъни файласуф тадқиқот жараёнида турк руҳига, турк калбига ҳамоҳанг бўлган бирдан-бир тўғри йўлни танлайди).

ТАНГРИДАН КЕЛГАН АМР:

— Турк будун йўқолмасин! Турк будун йўқ бўлмасин! Турк будун бўлсин!

«Тарихни хронологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Даврийликдан (циклдан) вақт масофасига, кетма-кетлик-ка ўтиш — жўнликдан тарихга ўтиш демак. VI асрда турклар ҳали вақт ўлчамига эга эмасди, фақат майсанинг кўқаришига қараб вақтни белгилардилар. VIII асрда турклар мучал туркумини вақт ўлчами сифатида қабул қилади: «хар бир йил битта хайвон номи билан аталади ва 12 йилдан сўнг мучал такрорланади. Ўрта ва Шарқ Осиесида яшайдиган барча халқлар ҳозир ҳам мучал ҳисобини билади. Мучал қачон пайдо бўлган, қаерда пайдо бўлган, қандай пайдо бўлган деган махсус муаммо ҳануз узил-кесил ҳал қилингани йўқ, биз бу муаммога атрофлича тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин бир нарсани айтиш мумкинки, мучал жанубда пайдо бўлгани аниқ. Чунки номлари мучал қилиб олинган хайвонлар орасида маймун ҳам бор. Туркларнинг мучал ҳисобига ўтиши уларнинг халқаро алоқалари қучайганини кўрсатади. Туркларда тарих фалсафаси, ҳатто унинг икки йўналиши мавжуд бўлган. Масалан, Хитойда таълим олиб келган Тўнюкук — прагматик эди. Унинг фикрича, одам ҳамма ишни ўзи қилади; халқ билан ҳоконнинг фойдасини кўзлаш керак. Мулоҳазадан кўриниб турибдики, биринчи ўринга шахснинг «мен»и чиқяпти, бу — соф волюнтаризм! Айни чоғда Тўнюкук ди-ний тушунчаларни-да унутмайди: «Тангри менга билим берди», дейди. Аммо, боя таъқидланганидек, ердаги бошқа ишларни Тўнюкук ўз қўли билан қилаверади. Бундай ақида — деизмдир. (Худони тан олади, лекин унинг табиат тараккиётига даҳли йўқ деб билади — Н. Б.) Мана шу ўринда Тўнюкукнинг Хитойдан ўрганиб келган билими ўзини кўрсатади» (340-бет).

«ЙИўллуқтегин эса масалага бошқача ёндашади. У дунёқараши жихатидан теист эди.

(Худо оламини яратган ва уни идора килади деб билади — Н. Б.) Жанг арафасида туркларнинг тангриси Ер-Сув бундай дейди: «Турк будун ўлмагай!» Бундан кўриниб турибдики, Ўллуктегин художўй эди!» (341-бет)

ЎЛЛУКТЕГИН НИДОСИ:

— Забун такдирингга, кўлдан кетган давлатингга, хор бўлган хоконингга, зор бўлган элингга мотам тут, турк будун! Ўзинг ўлдан адашдинг, ўзинг ёмонларга ёндошдинг! Азиз Ўтукан юртингни ташлаб, бошинг оккан тарафларга кетдинг ва топган-тутганинг шу бўлдики, конларинг сувдай окди, суякларинг тогдай уюлиб етди, ўглонларинг кул бўлди, кизларинг чўри бўлди, хоконинг нобуд бўлди...

660 йилда биринчи Буюк турк когооноти парчаланиб кетади. Аммо эрксевар аждодларимиз мустакиллик, озодлик ўлида курашаверадилар.
«682 йилда Кутлуг кўзголон кўтарди. Кутлуг Ёпхоннинг (биринчи турк когоонотининг охирги хокони — Н. Б.) узок кариндоши бўлади. У кадимий турк зобитларининг «тутун» унвонини ўзига мёрос килиб олади... Бундан ташкари, харбий унвонларнинг эски тартибини, интизомни кайта тиклайди. Оломонни кўр-кўрона равишда курашга тортиш ўрнига аслзодалардан иборат сараланган даста тузади. Мухими шундаки, Ашида, Тўнюкук каби Хитойда таълим олиб кел-ган малакали харбийларни каватига жалб килади. Зиёли кишилар душманининг заиф томонларини ҳам, демак, каерига уриш кераклигини ҳам яхши биларди. Дархакикат, тез орада кураш ўналиши бутунлай ўзгариб кетади. Кутлуг ўзини «Ёлтериш когоон» деб эълон килади...» («К.т.», 273-274-бетлар).

Ўн бир йиллик тинимсиз жангу жадаллардан сўнг, 693 йилда Кутлуг — Ёлтериш когоон вафот этади. Унинг иниси Мочур тахтни эгаллайди ва «Копогон когоон» унвонини олиб курашни давом эттиради. Копогон когоон хаёти кўп жихатдан ибратлидир. Шундай килиб, империянинг мунтазам армиясига карши курашга факат турклар бардош беради. Хўш, улар нетиб шунга эришди? Кутлуг издошларининг мафкураси бормиди? Куролни топшириб, ёвга таслим бўлиш ва хожалари қошида рохат-фарогатда яшаш ўрнига, сахрога чекиниб кетган баходирларнинг матлаби не эди?

Ўллуктегин томонидан тузилган битикларда Кутлуг — Ёлтериш когоон тилидан айтилган Хитой тўгрисидаги салбий фикр-мулохазаларни учратамиз: «Бизга чекланмаган микдорда олтин, кумуш, ичимлик, бугдой, ипак берган тобгачларнинг сўзлари ширин, кимматли буюмлари эса мулойимдир. Улар ширин сўзларию мухташам буюмлари билан овлоқларда яшайдиган халкларни ўзларига махлиё килиб олди. Содда халкларни якин жойларга кўчириб келтириб, уларни бемаъни киликларга ўргатди», дейилади битикда (Кўлимизда кадимий турк битикларининг асл нусхаси йўклиги туфайли биз рус тилидаги матнни таржима килдик. — Н. Б.). Кўриниб турибдики, Ўллуктегин бобосининг номидан кўчманчилар турмушига Хитой маданияти сукилиб киришига эътироз билдираётир. Боз устига, моддий маданият Хитой мафкурасини кўчманчилар онгига сингдириш воситаси сифатида талкин килинаётир. Конфуций

асарларида ҳам кўчманчиларни бўйсундириш учун айнан шунака йўл-йўриklar тавсия этилади. Демак, Йўллуктегин Хитойда таълим олаётган кезлари Конфуций таълимоти билан танишган кўринади. Йўллуктегин таъкидлайдики, агар халк ўзлигини саклаб қолишни истаса, канча пул тўлашларидан катъий назар, асло ёлланма аскарларга ёки жазокорларга айланиб колмаслиги керак. Чунки ёлланма малайларни хўжаин хеч қачон поигохдан юкорига ўтказмайди; жарак-жарак олтин тангалар ҳам, ипаклар ҳам қарамликни яшира олмайди. Хуллас, Йўллуктегин соткинлик мафқурасига аллақандай хомхаёлларни эмас, балки аниқ-равшан дастуруламални — қогоонотни тиклаш тўғрисидаги дастурни қарши қўяди. «Эй турк будун! Агар сен анави тарафга қараб кетсанг, ҳалокат ёқасига борасан. Агар Отаюкун элида қолсанг, қакат ўлпон йигиб қелиш учун қарвонларни жўнатиб ўтирасан. Мусибат нелигин билмай яшайсан. Хатто Отаюкун авоми бўлсанг ҳам ўз элингни тузишинг мумкин. Ва сен, турк будун, албатта қаровон бўласан!» («К. т.», 282-283-бетлар).

Элтериш қогооннинг васиятлари билан қуролланган Қопогонхон тариқдай сочилиб ётган турк элига бош бўлади; қогоонот паноҳида турк будунни бирлаштириш қоясини туг қилиб қўтаради.

Қогоон олдида бир талай ички сиёсий вазифалар қўндаланг бўлиб турарди. Аввап таъкидланганидек, қадимий турклар элида тож-тахт қориси тўғрисида махсус қонун бор эди. Ўша қонунга қўра, агар тождор ога ўлса — иниси, амаки ўлса — жияни тахтни эгаллаши лозим эди. Тахт отадан болага мерос бўлиб қолмасди. Хитойликлар бундай тартибни бемаънилиқдан бошқа нарса эмас деб ҳисоблайди, шу боис туркларнинг анъаналарини назар-қисанд қилмасдан, ички ишларига ҳам аралаша бошлайди. Бирок, қогоонот тиклангач, турклар эски қонунларини ҳам тиклайди; шу қонунга мувофиқ равишда Мочур — «Қопогон қогоон» унводини олиб тахтга ўтиради. Аммо у ёшлигида Хитойда тахсил қўргани учунми, қартугул, тахтни жияни Мўгулёнга эмас, балки ўгли Фугюга мерос қолдиришга қарор қилади. Эски турк қонунига, анъанасига ҳилоф йўл тутабганини билади, албатта. Шу боис эҳтиёт қорасини ўйлаб топади, яъни зудлик билан «қичик қогоон» мартабасини («шод» — валиахддан юқори мартаба) таъсис этиб, шу мартабани ўглига инъом қилади. Жияни Мўгулённи эса қарбий ҳудуддаги нотинч тардушлар элига ҳоқим этиб тайинлайди. Айтиш мумкинки, жияни ёв қўлида ўлиб кетса ҳам ичи ақишмасди» («К.т.», 286-бет).

Шундай қилиб, Қопогонхон турк элининг қадимий қонунига ўзбошимчалиқ билан ўзқартиш қиритади, қонунни ўз манфаатига бўйсундиради. Яъни буюқ қоя йўлида жон олиб-жон бераётган буюқ ШАХС майда манфаатни эл манфаатидан устун қўйиб юборади.

Майдалашади, махдудлашади — паст кетади. Қозирги қамон ибораси билан айтганда, қўё турк қонунларининг муҳим моддасини «тахт қориси тўғрисида»ги халқаро ҳуқуқ стандартига мослаштиради ва «Энди бизни хитойликлар қалақа қилмайди, энди бизга тиргалмайди», деб аъёнларини ишонтирмоқчи бўлади. Ўша пайтларда аъёнларўзларини маъқул-беклардек қўрсатган бўлса-да, лекин қогооннинг далил-дастакларига асло ишонмайди. Элбошилар ўртасида ички ишончсизлик пайдо бўлади. Афсуски, бу ишончсизликни улар 18 йил яшириб, 18 йил қин саклаб юради. Орадан 18 йил ўтгач, 714 йилда Тан империясининг «буюртма»си билан қогоонот қарамоғидаги уруглар ўртасида уруш бошланади. Эл тақдири, мустақиллик тақдири ҳавф остида қолган қалтис бир пайтда Қопогонхоннинг ўзбошимчалиги жуда қимматга тушади — турк будуннинг олтин бошлари беҳуда қурбон бўлади.

«Бу пайтда донишманд Тўнюқуқ жуда қексайиб қолган эди, энди у турк лашқарига

бошчилик килолмасди. 716 йилда донишманд чол 70 ёшга тўлади. Когоонот мустакиллигини асраб қолишдек мукаддас ва машаккатли вазифа Култегин зиммасигатушади. Утўрт йил—711-715 йиллар мобайнида карлукларга қарши кураш олиб боради ва факат 716 йилда Тамуг тоғи этакларида бвни тор-мор қилади, уларни Копогонхон тасарруфига бўйсундиради. Лекин бутун эл аллақачон кўзголон гирдобига гарк бўлган эди; Култегин когоонот қароргоҳига қайтаётиб, йўлда азлар уругининг қаршилигига учрайди. Азлар Гарбий Мўғулистондаги Қоракўл соҳилида янчиб ташланади.

Култегин когоонот пойтахтига келса, уруглар ўртасидаги уруш авж олган бўлади. У қаҳр-ғазабга тўлган баходир жангчиларини қаватига олиб, изгиллар устига ташланади; тез кунларда изгиллар уруги деярли кириб ташланади, кейинчалик изгиллар-нинг номи тарихдан ўчиб кетади.

Копогонхон жияни Култегиннинг шон-шухратиға ҳасад қила бошлайди. Шу боис 716 йилнинг баҳорида тўққиз ўғуз устига ўзи лашкар тортиб боради... Копогонхон кўзголончиларни саҳронинг шимолий қумлоқ ҳудудлариға суриб бориб, бутунлай тор-мор қелтиради. Бу жанг тўғрисидаги тафсилотлар маълум эмас.

Кейин бойирги уругиға навбат етади. Улар 716 йилда Тола дарёси соҳилида таслим бўлади. Худди шу жойда тарихий тасодиф рўй беради: қолиб бўлиб қайтабтган Копогонхон шахсий соқчилари даврасидан ажралиб чиқадию негадир оғир ўй-хаёлларға чўмган қўйи ёлғиз ўзи ўрмонда сайр эта бошлайди. Айнан шу ерда қиргиндан қочиб қутулган бойир-ғи уругининг қолган-қутган жангчилари яшириниб турарди. Улар ҳаёл суриб юрган чавандозға ҳамла қилиб ўлдиради. Сўнгра Копогонхон боши Хитой элчисига совға қилиб юборилади. Бу ноёб совға қогоонот ҳудудида бошланиб кетган фуқаролар уруши бевосита Тан (Хитой) империясининг буюртмаси эканини кўрсатади.

Копогонхон ўлиmidан кейин тахт вориси масаласи қайта кўтарилади. Маълумки, Копогонхон тўнғич ўғлиға «қичик хон» унвонини инъом этиб, уни тахт вориси қилиб тайинлаган эди. Аслида, эски қонунға кўра, ҳозир тардушлар элида ҳоким бўлиб турган Мўғулён тахтдор бўлиши лозим эди. Масаланинг назарий томони шундай. Амалда эса Култегин турк элининг шубҳасиз ягона йўлбошчиси эди.

Култегин дарҳол ташаббусни қўлга олиб, ҳарбий тўнтариш қилади: ўзи қўриқлаб турган қароргоҳға ҳужум уюштиради. Қўмондон ўринбосари Алп Элэтмиш ҳам Култегинни қўллаб-қувватлайди. Натижада давлат тўнта-риши қолибона ниҳоя топади. Қичик хон ва Копогонхоннинг барча маслаҳатчилари қатл қилинади. Копогонхон фарзандларидан факат ўша пайтлари Хитойда таҳсил кўраётган ўғли Мотегин ва Ашид Мими деган қимсаға эрға қичиб кетган ўн етти яшар қизи тирик қолади, қолос.

Култегин эски турк қонунини бузмайди, ўзи тахтни эгаллаб олмайди: оғасига «Билғихон» унвонини тортик қилиб, уни тахтға ўтказади. Билғихон ўз навбатида Култегинни лашкарбоши лавозимиға тайинлайди. Ақобирлардан факат донишманд Тўнюқук — янги қогооннинг қайнотасигина омон қолади» («Қ.т.», 312-314-бет-лар).

Хуллас, 696 йили Копогонхон томонидан ноўрин ислоҳ қилинган эски турк қонуни турк қудун ўғлонларининг ноўрин қесилган олтин бошлари эвазига 716 йилда Култегин та-шаббуси билан асл қолиға қелтирилади. Қогоонот сунъий офатға — қилзилага учрайди, лекин турк қудуннинг уч бақодири — Тўнюқук, Култегин, Билғихон қогоонотни асраб қоладилар, қалтис бир вазиятда бутун масъулиятни, савобу қуноҳларни қиммалариға оладилар, қатъият билан ҳаракат қиладилар. Буюқ гоё — мустақиллик гоёси, оқодлик ва бирлик гоёси уларни қисли йўқ қиновға қудор қилади. Улар қиновдан

шараф билан ўтадилар ва номларини турк будун тарихига абадий битадилар.

БИТИКТОШ НИДОСИ:

— Култегин йигирма олти ёшида ёв устига лашкар тортди. Найза бўйли корни ёриб ўтиб, Кўгман йишга кўтарилиб, ёвни уйкуда босди. Култегин Байиркулнинг ок отини миниб хужум килди; бир ёвни ўк билан урди, икки ёвни бир найзага кетма-кет санчди. Култегин остидаги ок отнинг бели синиб кетди. Жанг шу кадар зўр бўлдики, зўрикиб кетган от унга дош бермади, аммо Култегин дош берди, голиб келди.

ТЎНЮКУК НИДОСИ:

— Хоконни ҳам кўлга олайин, дедим. Биров аррик бука билан семиз буканинг фаркини тезагидан билса, биров аррик бука билан семиз буканинг фаркига бормас эмиш... Мен Тўнкжук билгич бўламан. Агар Элтариш хокон зафар козонмаганда борми, мен ҳам зафар кучмас эдим. Мен бўлмасам, Копогонхон турк будунга когоон бўлмас эди, турк будун ҳам бўлмас эди.

Копогонхон турк будунни боши берк кўчага тикиб кетган эди.

Шубхасизки, Копогонхон буюк жасорат ва буюк харбий истеъдод сохиби эди. Бирок, у кўхна тарихнинг хавф-хатарли ва ниҳоятда мураккаб бурилишида йўлдан озиб қолади; тўгри маънода ҳам, Кўчма маънода ҳам тангадек кубш нури тушмайдиган коронги ўрмонга кириб, шафкатсиз ёв кўлига асир тушади ва азиз бошидан жудо бўлади. Кейин энг яқин кишиларини ҳам, азиз кишиларини ҳам оркасидан гўрга судраб кетади. Чунки «улугворлик ва тубанлик алоқага киришган жойда мувозанат йўқолади» (Лао Цзи). Копогонхон айнан мувозанатни йўқотган эди. Аникроги, ижтимоий мувозанатни бузиб қўйган эди.

Шахсий манфаат билан миллий манфаат (демак, эл манфаати) ўртасида мувозанат бўлиши керак. Шахсий манфаатдан минг мискол чегириб қолинса ва «иктисод» қилинган шахсий манфаат улуши миллий манфаатга қўшиб (сарфланиб) юборилса, буни миллатпарварлик дейдилар. Агар миллий манфаатдан бир мискол чегириб қолинса ва «уриб» қолинган миллий манфаат мисколи шахсий манфаатга сарфлаб юборилса, буни манфаатпарастлик дейдилар. Буюк бобомиз хазрат Алишер Навоий шахсий манфаат билан миллий манфаат (эл манфаати) тўғрисида бундай дейдилар:

Килса менга минг жафо — бир катла фарёд айламон,

Элга килса бир жафо — минг катла фарёд айларам.

Хўш, қадимий турк когонотида давлат сиёсати даражасида эл манфаати қандай мавқега эга бўлган?.. «Қадимий турклар» китобида ижтимоий турмушнинг мана шу жабхаси ҳам батафсил акс эттирилади.

«VI аср Ўрта Осиё учун иқтисодий ва маданий юксалиш даври бўлди. Мухташам шаҳарлар қад кўтарди, кўркам бог-роғлар барпо этилди, хунармандчилик ва тижорат ишлари ни-ҳоятда раванг топди. Тажрибали сўғдийлар устамон савдогар-воситачи сифатида ўзларини кўрсатди. Улар Хитой билан Ўрта Ер денгизи миёнасида мунтазам алоқа ўрнатади; Буюк ипак йўлидан унумли фойдаланади. Бирок, жужонларнинг талончилик юришлари, хайталларнинг (эфталитлар) тинимсиз уруш-жанжаллари тижорат ишларига тўскинлик қиларди («К.т.», 41-бет).

Фирдавсийнинг гувоҳлик беришича, туркютлар босиб борган пайтда сўғдийлар хўнграб йиглай бошлайди. Аммо, хайталлар қаватига кириб, туркютларга қарши жангга тушишни

асло истамайдилар. 565 йилда Насаф (Карши) остонасида бўлган мухорабада хайталлар енгилари ва уларнинг ҳукмронлигига чек қўйилари («К.т», 40-бет).

Бепоен чўлу биёбонларни ва Сўгдийнани тасарруфига олган туркютлар тижорат учун кулай имконият яратари. Сўгдийлар туркют когоонотининг садокатли табъасига айланари. Когоонот учун ҳам бундай садокатли табъа ниҳоятда фойдали эди.

Хайталлар билан Шимолий Хитой ҳокимияти тор-мор этилгач, туркютлар факат сиёсий жихатдангина ; эмас, айна чоғда иктисодий жихатдан ҳам кудратли кучга эга бўлари.

Гарб билан Шаркни боғлайдиган Буюк ипак йўли энди уларнинг их тиёрига ўтиб қолади.

Тижоратдан катта фойда қўриларди. Хитойликлар кироличалари учун Эрондан кимматли кош бўёқлари келтирарди. Эрон гиламлари ҳам ноёб I махсулот ҳисобланарди.

Бундан ташқари, Кизил денгиздан олинадиган марваридлар, асл дурлар, Сурия ва Мисрнинг газмоллари, Кичик Осиёнинг гиёҳванд моддалари ҳам Хитой бозорларида

харидоргир ҳисобланарди. Албатта, тижорат ишларида ипак алоҳида маккега эга бўларди: Август давридан эътиборан (Август — эрамиздан аввалги 31-йилда қуйиккан

Рим саркардаси Марк Антоний билан Миср кироличаси Клеопатранинг бирлашган қўшинлари устидан мутлак галабага эришган жаҳонгир сўнг ўзини «Рим императори» деб

эълон қилари; эрамизнинг 14-йилида вафот этади — Н. Б.) Оврупога : ипак махсулотлари олиб бориларди.. Византия империясининг ипакка бўлган эҳтибжи жуда

катта эди: ипак факат арқони давлат ва аслзодаларнинг талабини кондиреш учун сарф-ланмасди, айна пайтда қўчманчилар билан муомала воситаси — валюта

ҳисобланарди ипак воситасида аскарлар хизматга ёлланарди, мададкор қўшин тузиларди.

Бирок, Византияни кимматли махсулот билан таъминлаб турадиган йўл Эрон ҳудудидан ўтарди: сосонийлар ҳукўмати эса қарвон йўлларини (тижоратни) муттасил назорат қилиб

турарди. Эронийлар ипак хомашесининг катта қисмини бож тўлови сифатида қарвонлардан олиб қолар ва қайта ишлов берилган тайёр махсулотларни ўзлари истаган

баҳода Гарб мамлакатларига сотар эди («К.т.», 41-43-бетлар).

Эрон ҳукумати ипак савдоси масаласида ҳеч қим билан ҳеч қандай битишувга йўл

қўёлмасди. Агар катта миқдордаги ипак тўғридан-тўғри Византияга ўтқазиб юборилса, бир неча йилдан сўнг Евфрат дарёси соҳиллари ёлланма аскарларга тўлиб кетарди:

Эрон бутун аҳолисини оёққа тургазган тақдирда ҳам Византиянинг ёлланма қўшинлари ҳамласини қайтара олмасди. Ипак махсулотларининг ҳаммасини мамлакат ичкарасидаги

бозорда сотамиз дейишса, аҳолининг харид қуввати қўтармасди — қамбағал эди. Шох салтанати манфаатини қўзлаб ипак сотиб олишга мажбур бўларди; жарак-жарак

пошшойи тангаларидан воз кечарди. Аммо бу тангалар Шарқ оламида манфаатдор сиёсат юритиш учун ниҳоятда зарур эди. Айна чоғда Византия империяси учун Гарб

оламида манфаатдор сиёсат юритиш учун ипак ниҳоятда зарур эди (45-бет).

Эронийлар билан аварлар томонидан қисди-кафасга олинган Византия империяси

туркют когоонотидан иттифокчи сифатида фойдаланишга зўр оеради. Бир неча йил давомида турк-ютлар қошига Евтихий, Иродион, Павел Қиликий, Анангаст бошчилигида

элчилар юборилари. Агар мана шу саъй-ҳаракатлар самарали бўлса, Шарқ билан Гарб миёнасида мустақам қўприк бунёдга қеларди. Афсус-ки, тарих бошқа ўзандан кетади

(47-бет).

Аварлар Византия империяси билан пинҳоний битим тузади ва давлат мустақиллигини

Византия томонидан эътироф эттирари. Туркют когооноти манфаатларига зид ўларок, Буюк ипак йўлида яна битта давлатнинг пайдо оўлиши қоонга маъқул қелмайди.

Натижада Буюк турк когооноти билан Византия империяси ўртасига совукчилик тушади. Шу боис 576 йили Валентин бошчилигида ташриф буюрган Византия элчилари хушламайгина кутиб олинади. Элчини вилоят ҳокимларидан бири қабул қилади ва баландпарвоз кутловга жавобан ҳоким бундай дейди: «Ўнта тилию битта блғони бор ўша румлик сизми?» Тин олиб, ҳоким ўн бармоғини огзига тикиб кўрсатади, сўнг давом этади: «Худди менинг огзимда ўнта бармок бўлгани каби румликларнинг огзида ўнта тили бор экан. Битта тилингиз билан бизни алдайсиз, бошқа тилингиз билан эса бизнинг кулларимизни — аварларни аврайсиз...»

570-576 йиллар давомида туркютлар Шимолий Кавказни бўйсундиради. Уларнинг мадади билан Византия тавсия қилган номзод Гуарам Багратид (575 йил) Шимолий Кавказга ҳоким этиб тайинланади. Лекин Византия когоонотнинг гарбий ҳудудларига чегарадош ўлкада аварлар давлати барпо этилишига имкон яратади. Яъни туркютларнинг орқа тарафидан зарба берилишига шароит тугдиради. Оқибатда икки орада энди йўлга қўйилган алоқа узилиб кетади. 576 йилда туркютлар Боспор шаҳрини ишғол қилади. Бу ҳодиса туркютлар энди Византияга қарши кураш бошлаганини кўрсатарди... («К.т.», 49-50-бет).

Кўриниб турибдики, Буюк Турк когооноти миллий манфаатга мос келадиган давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва дунё микёсида миллий манфаатларини химоя қилишга интилади. Улар Хитой, Византия, Эрон империялари билан теппа-тенг муомала қилади.

БИЛГИХОН НИДОСИ:

— Биз қарлуқни ҳам қўлга олдик. Аз халқи ёвлашди. Улар билан Қоракўлда жанг қилдик. Бу пайт Қултегин ўттиз бир яшар эди. У Алп Шал чининг оқ отини миниб ҳужум қилди, от ўлди. Изгил халқи ҳам ўлди. Тўққиз ўқуз ўз халқим эди; еру осмон ўртаси фитнага тўлиб, у ҳам бизга ёвлашди... Қултегин Азманинг оқ отини миниб ҳужум қилди..

Такдир тақозоси билан Буюк турк когооноти 300 йилдан ортиқроқ давр мобайнида тарих сахнасида Хитой империясига бн қўшни бўлган. Лекин жон қўшни бўлганми?.. Бу саволга «ха» ёки «йўқ» деб жавоб қайтарилса, тарих жўнлаштирилган бўларди. Икки буюк салтанатнинг, икки буюк халқнинг муносабатлари ҳаёт каби мураккаб бўлган. Улар ҳар доим бир-бирига муносиб дўст бўлган, ҳатто ёвлашган пайтларида ҳам бир-бирига муносиб бўлган. «Қадимий турклар» китобининг саҳифаларидан бунга брқин мисолларни қўплаб топиш мумкин.

Қўплаб саҳройи баҳодирлар хитойи қўмондон Ли Юан туги остида бирлашади. Улардан: «Хитоймисан ё туркмисан?» деб сўраб ўтиришмасди; миллий гурурни қамситмаган ҳолда ҳарбийхизматга олишаварди. Саҳройи йигитларни сулув хитойи қизларга уйлантириб қўйишарди; бундай оилаларда соғлом фарзандлар дунёга келарди. Такдирдан рози бўлган йигитлар ҳарбий хизматга жонларини қидо қиларди. Хитой империяси шу тарзда раванк топади, қаддини ростлайди. Шу тарзда (яъни турк йигитлари билан хитойи қизларнинг никоҳидан) «тобғач» деб ном олган халқ тугилади. Уша даврлардаёқ Буюк Хитой деворига ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди: тўғри маънода ҳам, қўчма маънода ҳам девор бузиб ташланади. Хитойда ҳорижий маданиятга қизиқиш ниятда қучайиб кетади. Ҳатто «Хитойча-туркча лугат» тузилади. Афсуски, ўша лугат ҳозиргача қолганиб қолмаган. Туркий-мусикалар Бэй Чжоу замонидан бошлаб император саройида севиб тингланади. VII асрнинг 20-йилларида империя пойтахти Чананида ўн мингта туркют оиласи истикомат қиларди. Уларнинг қийимбошларига, юриш-туришига хитойлик

аслзодалар мудом таклид килар, туркий нимарсалар урф бўлиб кетар эди». («К.т.», 176-бет).

Аммо, карс икки кўлдан чиқади. «Ўша пайтгача маданий алокалар стихияли тарзда кечган бўлса, 618 йилдан эътиборан бундай алокалар онгли равишда рағбатлантирилди. Кизгин кўтарилиш, улгайиш даври кутлуг жараёнга замин яратиб берди: Суй сулоласи зулмидан безор бўлган хитойликлар оммавий равишда туркют қошига қочиб борарди ва уларнинг кўноқларидан паноҳ топарди. Кўп ўтмай, хитойликлар меҳмондўст хўжайинлари билан қондош бўлиб кетарди» («К.т.», 175-бет).

Қадимий турклар нажот истаб келганларга албатта паноҳ берган.

Қадимий турклар имдод сўраб келганларга албатта мадад берган.

630 йилда мағлубиятга учраган туркютлар кириб юборилиши мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Асир олинган Кат Элхон (Хитойнинг ярмини тити-пити қилиб юборган туркютларнинг қогоони — Н. Б.) император қошига келтирилади. Император унга: «Ахлоқсиз экансан! Суй қонадонидан туз ичиб, тузлигига тупурдинг! Халқдан сўрамасдан уруш бошладинг! Хитой дехқонларини қонавайрон қилдинг! Музоқара пайтида қочиб кетдинг!» деб қатор айблар такади. Айблар такади-ю, аммо барча қуноқларидан қечиқ, асир олинган қариндош-уруғларини, қизматқорларини қогонга қайтаради. Бир қетда тинчгина яшаши учун имқоният яратиқ беради. Кейинчалиқ император Кат Элхонни йирик қарбий лавозимга тайинлайди. Элхоннинг иқидан қил қетиқ, рухан эзилиб юрганини эшитқач, уни Қочқоу ўлкасига қоқим қилиб юборади. Афсусқи, қоқимлик мартабаси қам Элхонга тасқин бермайди: у доим ўй суриқ юради, муңли қўшиқлар айтиқ юради ва уялмасдан хўн-хўн йиглайверади. 634 йили Кат Элхон Ватан соқинқидан эзилиб-эзилиб вафот этади; уни туркютларнинг расм-русумларига биноан дафн қиладиқлар» («К.т.», 207-бет).

Хитойликларга ва туркютларга етакчилиқ қилган шахслар ижтимоий қонъюқтуранинг қуллари эмасди. Улар буюқ қояларнинг қуллари эди. Буюқ қоялар истеъдодли шахсларни, шубқасиз, янада буюқлаштириқ юборади.

Йўллуқтегин нидоси:

— Қултегин қўй йилида, ўн еттинқи қуни вафот этди. Тўққизинқи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтқаздиқ. Макбарасини, битиктошини Маймун йилида, еттинқи ойнинг йигирма еттинқи қуни батамом тикладиқ.

Табиатда агар нарсага таъсир қиладиған қуч бўлмаса, тўғри қизикли текис қаракат давом этади ёқи мувозанат сакланади. Бу — Исаак Ньютоннинг биринқи қонуни. Унинг илмий ифодаси бундай:

«Қар бир қизм унга бирор қуч таъсир қилмақунча ўзининг тинч қолатини ёқи тўғри қизикли текис қаракатини саклайди».

Афсуслар бўлсинқи, фашистлар устидан қозонилған қалабадан сўнғ собиқ СССР қудудида яна бетаъсир қучлар бош қўтаради: аввал, ВКП(б) Марказқўми қарорларида қиддий дўқ-пўписалар даври бошланади; уруш йиллари шарафли тарихга нисбатан тўғри шакллана бошлаган қам-моатчилиқ фикри қалқитилади... Ошқора репрессияга ижтимоий қамин қратилқач, «қам-қам» авж олиб қетади. Ўзбекистонда уруш йиллари Қалолиддин Манқуберди тўғрисида тарихий трагедия қратған Максуд Шайқзода таъқиб этилади... Ленинградда эса қадимий турклар тарихини фалсафий идрок этиш билан машқул бўлған Лев Гумилёв қибсга олинади... Қудди ўша қора қунларда Лев

Николаевичнинг матонатли онаси Анна Ахматова умр бўйи ёзган шеърларию дostonларини (кўп қисми хали ҳеч қаерда эълон қилинмаган эди) қўлёзма ҳолатида гулханга ташлаб, ёқиб юборади. Бирок, фалокатли қунларда турк баходирларининг ўлмас рухлари Анна Ахматовани бир ўлимдан саклаб қолади... Лев Гумилёв эса қадимий туркларга бўлган чексиз меҳр-мухаббатини қора қунлардан ҳам омон-эсон олиб ўтади. Чунки «хар қандай таъсирга унга тенг ва қарама-қарши йўналган акс таъсир ҳамма вақт мос қолади ёки икки жисмнинг бир-бирига таъсири ҳамма вақт миқдор жиҳатидан тенг ва қарама-қарши то-монга йўналган бўлади». Бу — Исаак Ньютоннинг учинчи қонунидир. Қўриниб турибдики, жамият қонунлари доим табиат қонунларидан андоза қолади. Лекин қўпинча Ньютоннинг биринчи қонунига амал қилина-ди-ю, учинчи қонуни эсдан чиқарилади. Ваҳоланки, табиат қонуни билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ваҳоланки, табиат қонунидан андоза олган жамият қонуни билан ҳам ҳазиллашиб бўлмайди. Бу масалада ҳазил ҳаром эканини Лев Гумилёвнинг «Қадимий турклар» китоби исботлаб турибди. Қерак бўлса, Лев Гумилёв қаби арслонюрак зотлар яна-тагин исботлайверади...

БИЛГИХОН НИДОСИ:

— Ё сўзларимда ёлгон борми, турк будун! Бекларим, эшитинглар! Турк будунни тўплаб, эл тутишингизни тошларга ўйиб ёздим. Адашиб-айрилганингизни ҳам тошларга ўйиб, бағримни тилиб ёздим. Эй мендан кейин қоладиган турк будун, мангу тошларга қараб фикр қилингиз, мангу тошларга қараб зикр қилингиз!

ТАНГРИТОГ НИДОСИ:

— Эй турк будун! Тепангдан осмон босиб тушмаган бўлса, пастда ер ёрилиб ютмаган бўлса, элингни, давлатингни қим бузди?».

Набижон Бокий

1 Доктор Насимхон Раҳмон ҳозирги замон ўзбек тилига ўгирган Ўрхун-Энасой битиклари асосида аждодларимизнинг «нидо»си қогозга туширилди (қаранг: «Қадимий ҳикматлар», Г. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1987 йил — муаллиф).